

ТАЛАБАЛАРНИ МИЛЛИЙ-КАСБИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШ МАЖМУАСИ

*Дониёрова Шахноза Эркиновна¹, Суюнова Умида Гуломовна²
А.Қодирий номидаги ЖДПИ ўқитувчиси¹, Технологик таълим йўналиши
талабаси², Жиззах, Ўзбекистон
e-mail:shaxnozadoniyorova@gmail.com*

Аннотация: Мақолада талабаларни миллий-касбий руҳда тарбиялаш мажмуаси таркиби технологик таълим йўналиши мисолида баён қилинади.

Калит сўзлар: танаффус, бичиш-тикиш, саёҳат, маҳорат, ҳунармандчилик, қадрият, музей, товар, кашта, сўзана, гилам.

Аннотация: В статье описана структура комплекса обучения студентов в национально-профессиональном духе на направлении технологического образования.

Ключевые слова: перерыв, пошив, путешествие, мастерство, ремесла, ценность, музей, бренд, вышивка, сюзана, ковер.

Annotation: The article describes the structure of the complex of education of students in the national-professional spirit on the example of the faculties of technological education.


Keywords: break, tailoring, travel, craftsmanship, crafts, value, museum, brand, embroidery, suzana, carpet.

Таълим-тарбия соҳасида миллий-касбий руҳда тарбиялашнинг диққат марказида миллий мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган ва ишлайдиган комил инсонларни вояга етказиш мақсади ва вазифаси туради.

Талабаларни миллий-касбий тарбиялашни ўқув жараёнида ва дарсдан ташқари вақтларда бажарилиши мумкин бўлган ўқув-услубий ишлар мажмуи деб қараб, биз томонимиздан Технологик таълим йўналиши талабалари учун маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг қуйидаги таркибий мажмуаси ишлаб чиқилди.

Касбий йўналишда миллий тарбиялашнинг муҳим йўналишларидан бири дарсдан ташқари вақтларда иш йўналишларда рефератлар ёзиш, диспутлар ўтказиш, саёҳатлар ўтказиш, илғорлар билан ва моҳир усталар билан учрашувлар ўтказиш, битирув малака ишларининг мавзусини касбий

йўналишдаги миллий ҳунармандчилик, тикувчилик, каштачилик каби мазмунга мослаб танлаш, уларни янги изланишларга ва ихтирочиликка жалб қилиш ҳисобланади.



Қуйида технологик таълим йўналишидаги миллий тавсифдаги рефератларнинг тахминий мавзулари келтирилган:

1. Дастлаб игна ясаб кийим тиккан ким? (тикувчилик ўтмиши, бугуни ва келажаги);
2. Уй-жой олдин пайдо бўлганми, кийим-кечак уларнинг ривожланиш боскичлари?;

3. Хунармандчилик ривожланишининг маданий меросимиз элементлари ривождаги роли;

4. Миллий каштачилик миллий маънавиятимиз ажралмас бўлаги?

5. Дўппи ва миллий маънавиятимиз анъаналари;

6. Беқасам тарихи ва у билан боғлиқ миллий қадриятларимиз;

7. Атлас-миллатимиз аёллари фаҳри ва ҳоказо;

Реферат мавзусини тузишда талабалар ёритиладиган саволларнинг ҳар томонлама чуқур ва қизиқарли ҳамда у ёки бу маънавий қадриятларимизни тиклашга дастлабки қадам бўлиб хизмат қилиши ва ижодий ишларида алоҳида такомиллаштиришлар, ўзгаришлар қилишига туртки бўлиши назарда тутилиши керак. Бу уларнинг касбга қизиқишларини янада оширади.

Маънавий қадриятларимиз руҳида тарбиялашнинг таъсирчан шаклларидан бири - бу диспут (баҳсли суҳбат) ҳисобланади. Касбий йўналишдаги бундай суҳбатларни юқоридаги реферат мавзулари ва яна бошқа қўшимча мавзулар бўйича уюштириш мақсадга мувофиқ. Мунозарали баҳсда реферат ёзишда талаба эътибордан четда қолдирган муаммолар ҳақидаги қимматли таклифлар уларнинг билим доирасини янада кенгайтиради. Ижодий изланишга ва келажакда рефератини битирув малака иши тарзида давом эттиришда уни ҳисобга олишга ундайди.

Хулоса қилиб айтганимизда, дастлабки ижодий ишини рефератдан бошлаб битирув малака иши даражасига технологик таълимга оид миллий қадриятларимиз билан боғлаб ривожлантириб бориш, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг миллий касбий маънавиятини ривожлантиради, бу уларнинг мактабларга, ишга борганида ёш авлодни касб маданиятига йўллашида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Тошкент;, “Шарк”, 1997.
2. Аҳлиддинов Р. Мактабни бошқариш санъати.-Тош.; “Фан”, 2006.
3. Куписевич Ч. Основы общей дидактики. М.; “Высшая школа”, 1986.

4. Қурбонов Ш. Таълим сифатини бошқариш.- Тош., “Турон-Иқбол”, 2006.
5. Шарипов, Ш. С. (2017). Personality model of modern teacher. *Eastern european Scientific Journal–Germany*, 93-96.
6. Шарипов, Ш. С. (2018). Инновационные технологии в современном учебном процессе. *Молодой ученый*, (9), 185-188.
7. Шарипов, Ш. С. (2000). Педагогические условия формирования изобразительского творчества студентов (на примере факультетов Труда и профессионального образования).
8. Orishev, J. (2020). Материалшунослик. Конструкция материаллар материалшунослиги фанидан лаборатория–амалий машғулотларни ўтказишга доир услубий кўлланма. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
9. Orishev, J. (2021). ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ЛОЙИХАЛАШ МЕТОДИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ . *Физико-технологического образование*, 4(4)
10. Malohat Abdurahmonova, Jamshid Orishev, ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ , *Физико-технологического образование: Том 4 № 4 (2021)*
11. Jamshid Orishev, ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЛОЙИХАЛИ ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ , *Физико-технологического образование: № 3 (2021)*
12. Муртозаев, М. З., Юсупов, К., & Рахматов, В. (2008, October). Системный подход к определению практической значимости учебной дисциплины. In *Образование через всю жизнь: непрерывное образование для устойчивого развития». Материалы VI Международной конференции. г. Минск* (pp. 2-3).
13. Муртозаев, М. З. (2009). О сегодняшнем состоянии учебных планов подготовки учителей трудового обучения: проблемы и решения.
14. Муртозаев, М. З. (2016). Вопросы модернизации процесса подготовки высококвалифицированных учителей трудового обучения. *Молодой ученый*, (24), 484-486.
15. Mamatjonova, K., Murtazayev, M., & Gapparov, B. (2020). PAZANDACHILIK ASOSLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
16. Murtazayev, M. Z., & Yo'ldashev, M. Q. (2020). TEXNOLOGIYA TALIMI DARSLARIDA O'QUVCHILARDA BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARNI SHAKLLANTIRISHNING AYRIM MASALALARI. *Научное знание современности*, (4), 39-44.

17. Муртазаев, М. З., & Дониёрова, Ш. Э. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ МИЛЛИЙЛИК АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ. *Научное знание современности*, (3), 25-28.